



Самарқандга ташриф

Тажрибалар, хулосалар, режалар...

Президентимиз нинг Самарқанд вилоятига ташрифи ўзига хос тарзда ўтди. Биз раҳбарларниң тажриба алмасиши учун ҳам айни муддао бўлди. Вилоятнинг чекка туманларида аҳоли хаётни билан танишиб, олий таълим муассасалари талабалари, умумий ўрта таълим мактаблари ўкувчилари билан учрашдик. Юргдошларимиз, хусусан, ёшларнинг хоҳишистаклари, орзу мақсадларини тингладик.

Бундан ташқари, маданият соҳасида фаолият олиб бораётган ҳодимларимиз билан очиқ сұхбатлар ташкил этидик. Маданият марказлари ҳолатини ўргандик, бир сўз билан айтганда, ушбу ташрифдан ўзимизга жуда кўп хулосалар чиқардик.

Аввало, маҳаллабай тизимини маданият йўналишида қандай ташкил этиш керак, деган саволга жавоб топдик. Ҳалқимиз учун манфаатли дастурлар ишлаб чиқишига имконият ҳам туғилди. Чекка қишлоқлар аҳолисининг бўш вақтини самарали ва мазмунли ташкил этиш мақсадида маҳаллалар билан ҳамкорлик қилишини ўз режаларимиз-

га киритдик.

Шунингдек, вилоядаги барча театр биноларини капитал таъмилаш, Каттакўрон мусиқали дарома театрининг юз йиллигини кенг нишонлаш, ШХТ саммитига тайёргарлик кўриш ва уни муносиб ўтказиш юзасидан қатор режа ва вазифаларни белгилаб олдик.

Бутун ўтказилган ҳисобот йигилишида эса мазкур масалалар юзасидан оммавий ахборот воситалари вакилларига батафсил маълумотлар бердик.

Озодбек Назарбеков,
Маданият вазiri

Мендиран, Жалолиддин



Фильм қаҳрамонлари санъаткорларимиз талқинида

Шу кунларда кино санъати ихлосмандари томонидан қизиқиш билан кузатиб борилаётган ўзбек-турк киноижодкорлари ҳамкорлигига яратилган "Мендиран, Жалолиддин" фильмни ҳақидаги мулоҳазалар ҳамон давом этмоқда. Аввалига бу ходисага миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангуберди тўғрисида яхшигина маълумотга эга бўзги тарихшунос олимларимиз ҳам қандайдир иккиланиш, қизганиш, рашк

таъсирида шубҳа, ишончсизлик билан муносабат билдиришгани (бу табиий албатта), фильм қаҳрамонларини ижро эттаган актёrlарга (хусусан, бош қаҳрамон масаласида) баъзи ўринлarda чап кўз билан қараш ҳолатлари бўлганини инкор етломаймиз...

Алҳол, бу борада ҳар ким ўз нуқтаи назарини айтишга ҳақли. Тўғри, турли тарихий шахсларни кино ёки театр саҳнасида гавдалантириш салоҳиятига

зга актёр ва режиссёrlаримиз кам эмас! Ҳар сафар ҳалқимизнинг севимли хонандаси, Ўзбекистон ҳалқ артисти Озодбек Назарбеков ижросидаги шоир Ботир Эргашев қаламига мансуб "Мендиран ўша" кўшиғи, унга ишланган клип намоишни этилганда, айниқса, томирда Ватан туйгуси жўшиб оқаётган қалбларда аждодларимизга бўлган бекиёс гурур-ифтихор бор бўйини кўрсататгани рост!

Аммо, тобора жадаллашиб бораётган глобаллашув жаёнинда жаҳон киноиндустриясида ўз ўрнига эга бўлган кино усталари билан ҳамкорлик қилиш, бу борадаги тажрибаларни ўрганиш, ўзлаштириш мақсадида шу ишга кўлурилгани, оқибатда икки ҳалқ ўргасидаги дўстлик мустаҳкамланиб, ҳар томонлама ҳамкорлик янада ривож топаётгани ҳам бор гап.

Давоми 2-саҳифада »

Донолар
сўзлайди...



Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этапди ва у бу барокатдан умрбод баҳраманд бўллади.

А.Навоий

Маданият – бу бизнинг ҳамма қиладиганларимиз ва маймунларнинг қилолмайдиганидир.

Р.Раглан

Санъат бизга ҳақиқатни кўришига ёрдамлашувчи ёлғон.

П.Пикассо

Ушбу сонда

Ахборот
таҳдидларига
қарши
иммунитет
керак

2-саҳифада »

Ҳақиқат
излаган шоир

4-саҳифада »



Дуторнинг
ажиб сеҳри бор

4-саҳифада »

Вакцина олишга
тайёрмисиз?

5-саҳифада »



» Ижодий тажриба

Халқаро ёшлар цирк фестивали



» Давоми. Боши 1-саҳифада

Фильм қаҳрамонлари санъаткорларимиз талқинида

Мана, ниҳоят “ғалвир сувдан кўтариладиган” вақтга ҳам оз колди. Сералининг 10-қисмини кўриб бўлдик... Шу пайтгача ҳар иккى давлат кино ижодкорлари меҳнатлари, интилишлари зоеъ кетмаганига гувоҳ бўляпмиз. Фильм иштирокчиларининг ҳар бири ўзининг актёrlик маҳорати билан барчамизда илик таассурот қолдири, сералидан сериалгача уларни кутадиган бўлдик. Жалолиддин, Султон Аловиддин, Низомулмулк, Узлоқшоҳ, Оқшоҳ, Туркон хотун, Ойчекак, Кутлибека, Чингизхон, Субутой, Шамсиддинбек ва яна кўпгина ролларни маромига етказиб ижро этган артистлар қайси мамлакат вакили бўлишидан қатъи назар ўз ишининг фидойиси сифатидаги мухлислар мөхрини қозонди. Айниқса, Нажмиддин Куброидек аллома аждодимиз сиймосини яратган Боир Холмираевнинг улуғвор чехраси, доно ўтилари, ака-ука ўртасидаги қонли урушнинг олдини олиши, ҳатто тожу тахт дардида ўз яқинлари, фарзандларини ҳам ажмайдиган Туркон хотунни шаштидан қайтаришга муваффақ бўлиши ҳар қандай томошабинни чукур хаяжонга солиши, истеъоддли санъаткорларимиз-у, буюк аждодларимиздан фарҳанги туйгуларига ошно этиши табиий. Кези келганда шуни ҳам тъкидлаш жоизки, сериалга овоз берган дубляж усталирининг нутк, маданияти, қасбий маҳорати ушбу фильм мувффакиятига ҳисса кўшган.



Энди бизга қадрдан бўлиб қолган қаҳрамонлар, хусусан Жалолиддиннинг тақдирни нима бўлишини хавотир билан кутаётганимиз, гёй қаршиимида Эмре Кивилжим эмас, ўз фарзандимиз тургандек безовта бўлаётганимиз қадим илдизлари туташган халқлар орасидаги кўринмас ришига борлигидандир, балки...

Шунингдек, фильmdа қатнашган актёrlарнинг хатти-харакатида Ўзбекистоннинг, Хоразм мухитининг чукур ўрганилган кўриниб турибди. Тўғри, ҳар ернинг, ҳар бир ҳудуднинг ўз қолипи, ўлчови, ҳатто ҳавосининг ҳам ўзига хос томонлари бўлади. Бу ўринда ўта нозиктаб аждодимиз, шоҳ ва шоир Мирзо Бобурнинг соғиничари, шоҳона ҳаёт кешириб, Хиндистоннинг сархил меваларидан баҳраманд яшаса-да, Андикон қовунини кўмсаши, машҳур Самарқандонининг бошқа ҳеч бир жойда шундай зуваласи пишик, хуштаъм чиқмаслиги, Тошкентнинг гижда нонини бошқалар ҳарчанд уринсалар ҳам ўхшатомаслигини хисобга олган ҳолда, айтиш мумкин, сериалда ҳам турк диёри маҳаллий қалоритини сезмай илож йўқ. Балки, бу машҳур “Мұхташам юз йил” сериалидаги манзаралар билан боғлиқдир. Нима бўлганда ҳам жаҳон кинооламига йўл очадиган ушбу фильм ўзбек киноси тарихида мухим бурилиш бўлганини тан олиши керак.

Колаверса, ҳар ишда изланиш, ўрганиш, тажриба алмашиб келгуси фаолиятга пойдевор бўлиши аниқ. Шояд, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон кино санъати ва саноатига алоҳида эътибор қаратаётгани ҳам бежиз эмас. Келажакда юртимиз ки-ноижодкорлари томонидан буюк аждодларимиз ҳақида янада сермазмун, мухташам киноасарлар яратилиши шубҳасиз. Бунинг учун уммон тубидаги жавоҳирлардек беҳисоб, бебаҳо тарихий мөрсисимиз бор...

Мухтасар айтганда, оддий томошабин сифатидаги самимий фикрларимиз соҳанинг билимдон мунаққидлари, тарихшунос, киношунос олимларимизнинг асосли мулоҳазаларига заррача бўлса-да, ҳамоҳанг келишидан умидвормиз.

Сайёра РИХСИЕВА

Мамлакатимизда миллий маданиятни яна-да ривожлантириш, цирк санъатини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон давлат циркida Россия, Хитой, Козогистон, Қирғизистон каби давлатлардан професионал ва ҳаваскор цирк жамоалари иштирокида илк бор 1 Халқаро ёшлар цирк фестивали ўтказилди.

Ушбу фестивалда ёшлар ўз ижроларини намойиш этиш билан бирга цирк санъати соҳасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, ҳалқаро майдонда циркниг

ижодий обруслари ошириш, миллий цирк санъатини тарғиб қилишда тенгқурлари билан бирга ижодий тажриба алмади.

Мазкур жаҳаёнлар иқтидорли ёшларни кашф қилиш, миллий цирк санъатининг ноёб намуналари ва анъаналарини ривожлантириш бўйича самарали тизимин йўлга кўйиши замин яратади.


Фестиваль галиблари 17 апрель куни цирк санъати намоёндадаридан ташкил топган ҳамамлар ҳайъати томонидан тақдирланди.



» Замона ёшлари

Бутунги кунда ижтимоий-матнавий мухитни ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни турили диний экстремистик оқимлар таъсиридан асрар масаласи барчамиз учун энг асосий масала бўлиб турибди.

Ш.М.Мирзиёев



Ахборот таҳдидларига қарши иммунитет керак

Глобаллашув жараёнининг мураккаблиги шундаки, унда нафакат мамлакат ва минтақаларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисолий, ҳатто, миллий қадриятларига, шунингдек, бутун инсоният ва эътиқодига бошимлар, таҳдидлар кучайди.

Бутун бутун инсониятнинг ҳаётмамотини қамраб олган глобал муаммолар мисли кўримларига билан майдонга чиқар экан, бу вазият, аввало, Гарб ва Шарқ мамлакатларида ҳам ахборот таҳдидларига қарши курашини зарурлигини кўргатади.

Дарҳақиқат, “Глобал ахборотлашув аср” номи билан тарихга кирган XXI асрни замонавий оммавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, радиотелевидение, интернет тармоғисиз тасаввур килиш кўйин. Ўзбекистонга Интернет шиддатли қадамлар билан кириб келди ва қундаклик ҳаётимизда ўз ўрнига эга бўлиб улгурди. Фантехника ютуқларининг инсоният фойдасига, энг мақсадларга хизмат қилиши ижобий ҳолат. Лекин айрик кучлар гарзалини ниятларини издан қиқариш, гоявий пароқандалик юзага келтириш мақсадида, шунингдек, маънавиятга зааретка задиган, ақидапарастлик руҳидаги, ўз мағкуравий тасварларини муттасил тарзда сақлаб туришга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар тобора ҳавфли кўриниш касб этиб бормоқда. Бу каби ахборотларга нафақат алоҳида олинган ягона ёки бир неча давлат, балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун катта

кўйиш билан масала ҳал бўлмайди. Такиқлар ёки яхши-ёмонга ажратиш тизими орқали одамларни интернет оламидаги турли ёт кучларнинг хатарли таҳдидларидан, кераксиз ҳамда салбий ахборотларидан сақлаш кўйин ва факатгина вақтнчалик ҳолат бўлиши мумкин.

Президентимизнинг 2017 йил 20 сентябрда БМТ Бош асамблейсининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида маънавий таҳдидлар ва ахборот хуружига қарши турла олиш учун энг асосий омил аҳоли, айниқса, ёшларнинг онугтафакурини матрифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг мухим вазифадир” деб тъкидлаган эди.

Интернетдан олинаётган ахборотларга танқидий ёндашиб ва унинг фойдалари манбалари асосида ўз дунёкарашини кенгайтириш, гарзали маълумотларни инкор эта билиш идрокини, мағкуравий иммунитетни ҳосил қилингоят мухим жижатдир. Ҳар бир ёш маълум бир кўнинка ва билимларга эга бўлиши, дунёда кечакётган сиёсий ва иқтисолий жаҳаёнларга бефарқ қарамаслиги лозим. Буни, аввало, ўзининг тақдирли, келажаги олдиғи масъулларни деб биласа, иккинчида, Ватан ва ҳалқ олдиғидаги бурчли сифатида тушунмоги лозим. Албатта, бунинг учун биз, катталар тарбияни тўғри йўналтиришимиз, ахборотлар оқимига киришдан олдин ахборий иммунитетни ҳосил қилинганлиги лозим.

Айниқса, ҳамоҳанг келишидан тақдирли, келажаги олдиғи масъулларни деб биласа, иккинчида, Ватан ва ҳалқ олдиғидаги бурчли сифатида тушунмоги лозим. Албатта, бунинг учун биз, катталар тарбияни тўғри йўналтиришимиз, ахборотлар оқимига киришдан олдин ахборий иммунитетни ҳосил қилинганлиги лозим.

А.ҒАНИЕВ,

Наманган вилояти тархи ва маданияти давлат музейи бўйим мудири

» Еркін келажак сары

Истиқболли хамкорлик



» Халқ оғзаки ижоди намуналари

Санъат намояндалариға юксак әхтиром

Фольклор санъаты ўзининг мазмундорлуги, тарбияйлиги ва умброцийлиги билан бошқа санъат турларидан ажралиб туради. Халқимизнинг турмуш тарзи сингиб кетган бу санъат инсонларнинг дүшәкараши, руҳий-эстетик олами, ички кеңинмаларни ақтетириучи азалий қадриятидир. Аждодларимиздан қолган бу улкан мерос миллат қалыбда эзгу ният ва улуг мақсадларга интилиш, она ватанга муҳаббаттада жеткөд түйгүларни ўйғотади.

Қадимий анъаналаримиз, халқ оғзаки ижоди нийеб намуналарини сақлаш, унга сайкал берип, келажак авлодга етказишида худудларда фолијат юритаётган бадий хаваскорлик жамоалариниң ўрнеки бекісті.

Республика маданият мұассасалары фолијати ташкил этиши иммій-методик маркази томонидан ўзбек фольклор санъатининг түрли жаңрларини ўрганиш, қадимий анъаналаримиз, халқ оғзаки ижодининг нийеб намуналарини сақлаш, ўшлар орасыда көн тарғиб этиши, бадий хаваскорлик жамоалары дастурларини янгилаш, ижро йүллари, саңа лиbosлари, мусика ас-

Президенти Шавкат Мирзиев "Фольклор химояга ва муҳофазага мұхтож". Мана шундай нойб вабуюк санъат бутгунги кунда шунчаки маданий ёдғарлык намунасынға айланып, күп жаһларда унтулиб кетаётгани, химоя ва муҳофазага мұхтож бўйлиб турганни - бу ҳам давримизнинг ачич ҳақиқатидир. Бу ҳақиқат ушбу гўзал ва бетакор санъатнинг чинакам фидойилари сифати сиз, азизларни хаммадан кўра кўпроқ ташвишга солаётганига ишонашам" - дегандар.

Мамлакатимизда ўтказилаётган бу каби фестиваллар номоддий маданият меросимизнинг қадимий намуналарини излаб топиш ван келажак авлодга етказиши, энг гўзал фольклор қўшиклирга сайкал берин, бутгунги тинчлик замонни таранум этадиган янги қўшиклир яратишга ундаши, қолаверса, кўплаб хаваскор ижорчиларни кашф этишига хизмат қиласди.

Бугунги кунда Маданият вазирилиги тизимида фолијат кўрсаталаётган маданият марказларида фолијат олиб бораётган 549 та бадий хаваскорлик жамоалари Маданият вазирилиги Ҳайъати қарорига асосан "Халқ хаваскорлик жамоаси" ҳамда "Болалар намунали жамоаси" үнвони берилган. Шулардан, 154та ашула ва рақс халқ ансамбли, 142та фольклор ансамбли, 44та рақс халқ ансамбли, 21та мақом ансамбли, 26та вокал-чолгу эстрада халқ ансамбли, 8та халқ хори, 58та халқ театри, 21та кўйирчоқ халқ театри, бта миниатюра театри, 19та дорబозлар гурухи, 14та цирк жамоаси, 1та халқ филармонияси, 11та карнай-сурнайилар гурухи, 1та тасвирли санъат халқ студииси, 12та чолгу асбоблари халқ ансамбли, 2та оливай ансамбли, 3та опера студииси, 2та кино-фото студия, 3та миллий эстрада гурухи, 2та дорторнан халқ ансамбли халқимизга хизмат килиб келмоди.

Милий қадриятларимизнинг барҳаётлигини намоён етүвчи Наврӯз умумхалк байрамининг Республика миқёсида көн нишонланиши ва давлат тадбирларига фольклор-этнографик жамоаларини доимий равишда жалб этиши натижасида, улар фолијати жонланыши, янги бадий хаваскорлик жамоалари шаклланади.

Бадий хаваскорлик жамоалари фолијатини чукур ўрганиш, қайта шакллантириш, янгиларни ташкил этиши, бүнинг учун йўлламана таъсиляр берадиган иммирияни, методик кўлланмалар тайёрлаш, жамоалар даётурларини ўз худудларига хос маросим қўшиклири ва қадимий рақслар билан бойитиш, мусика чолгулари ҳамда саңа лиbosларига алоҳида аҳамият қарашти, жамоаларга ёш истеъоддли икроиларни жалб этиши соҳа мутахassisлари ва бадий рахбарларнинг асосий вазириларидир.

Бадий хаваскорлик жамоалари рахбарларининг камтарона меҳнатлари юқори баҳоланиб, Президентимиз томонидан бир қатор давлат мукофотлари билан тақдирланади.

Шулардан, Коракалпогистон Республикаси

маданийда олиб борилаётган көн кўллами истрохотлар маданият ва санъат соҳасида көн катта ўзгаришиларга йўл очмокда. Бу нафқат соҳани ривожлантириш, балки ўшларнинг ўзига бўлган ишончини ошириш, буш вактларини самарали ва мазмунли ўтказиши учун ҳам керак.

Айни кунларда Маданият вазирилиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги, Халқ таълими вазирилиги билан ҳамкорликда қатор чора-тадбирлар режаси устида иш олиб бораётган эди. Эндиликада ушбу масъулиятли ишга босқичма-босқич ўтиш бошланди. Жумладан, Маданият вазири Озодбек Назарбековнинг Самарқанд вилоятига киlgан ташрифи ҳамкорликнинг илк қадамларидан бири бўлди.

Ташриф давомида келгусида амалга оширилиши керак бўлган ишларнинг жойлардаги тақсимоти, тўғраклар очиши борасида маълумотлар берилди. Хусусан, вилоятдаги барча олий таълим мұассасаларининг ҳар бирида

бештагача бадий хаваскорлик тўғраклари ташкил этилиши, бундан ташкири, умумий ўрта таълим мактабларидан таҳсил олаетган ўқувчилар учун ҳам мусиқа йұналишида турили тўғраклар очилиши айтиб ўтилди.

Самарқанд давлат университетида ўтказилган тадбирда эса таълим даргоҳларида бадий хаваскорлик ансамбллари ташкил этиб, тури маданий кечалар ўтказишида уларнинг фоли ўштироқини таъминлаш юзасидан келишувга єршилди.



нинг 1000 йиллиги кент нишонланди. Кўплаб достонлар нашр этилди. 2000 йилда "Ўзбекистон халқ баҳшиси" үнвони таъсис этилди. Баҳчишилик санъатининг конъюнктурик ижодкорлари Рўзимбой (Қаландар баҳши) Норматов, Абдулла (Норбек баҳши) Курбоназаров, Шоберди Болтаев, Шомурод Тоғаев, Абдуназар Поянов, Боборайм Маматмуродов, Қаҳҳор Рахимов, Қора Умиров, Чори Умиров, Ҳушбек Мардонакулов, Гайрат Утемуратов каби баҳшилар ушбу фахрли үнвон билан тақдирланди. Аввалин хайрли ишлар билан бир қаторда, сўнгги тўрт йил мобайнида баҳчишилик ва достончилик санъатини саклаб қолиш, муҳофазага олиш, ривожлантириш, ёшларни она-юрт ва аждодлар меросига садоқат руҳида тарбиялашда баҳчишилик ва достончилик санъатининг ўрни ҳамда аҳамиятини янада ошириш мақсадида мұхтарлар Президентимиз Шавкат Мирзиев ташаббуси билан амалга оширилаётган ишлар таҳсилга лойиқ эканлигини алоҳида этироғ этишини зарур, албатта.

Жумладан, 2018 йил 1 ноңбада Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқаро баҳчишилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ти ва 2019 йил 14 майда "Баҳчишилик санъатини ишда ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ти қарорлари ҳамда 2018 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "Баҳчишилик ва достончилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ти, шунингдек, 2019 йил 23 сенграбда "Республика баҳчишилик санъати маркази ва унинг ҳузуридаги баҳчишилик санъатини ривожлантириш жамғараси фолијатни ташкил этиши тўғрисида"ги қарорлари қабул килинди.

Жорий йилнинг 10 апрель күни эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг "II Халқаро баҳчишилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва баҳчишилик санъатини ривожлантириш учун кулаги шарт-шароитлар яратишга доир кўшимчаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор қабул килинди. Ушбу тарихий ҳужжатта мувофиқ фестивалининг Нуку шаҳрида ўтказилиши белгиланган. Ҳозирги кунда унинг юқори даражада ва бадий савидига ўтказиш бўйича чора-тадбирлар аллакачан бошлаб юборилган. Санитария-епедиологик вазириятини инбантта олган ҳолда фестиwalни ўтказиш муддати белгиланади.

Юртимизда маданият ва санъат соҳасида амалда оширилаётган ишларнинг асосий мақсади - ҳар бир худуднинг ўзига хос санъати, маданият, урф-одат ва анъаналари, фольклор, хусусан, халқ ижодиети санъатининг баҳчишилик, катта ашула, ўлан, лапар, ёр-ёр каби йұналишилари, чонкөз, сибизга, күшнай, бўламон ва дўмбира каби қадимий чолгуларни тарғиб килишдан иборатиди.

Мўмнимирзо ХОЛМУМНОВ, Республика маданиятини ташкил этиши иммий-методик маркази бўлим бошлиги



Дуторнинг ажаб сеҳри бор



» Серқирра ижодкор

Дунё тан олган юлдуз

Ўзбек эстрада санъати асосчиларидан бири, дунё тан олган юлдуз Ботир Зокиров 1936 йил 26 апрелда Тошкент шаҳрида санъаткорлар оиласида туғилган. Оиланинг түнгич фарзанди бўлган. Отаси Карим Зокиров баритон овоз соҳиби – опера хонандаси, онаси Шоиста Сайдова ўзбек халқ кўшиклиаринин ажаб ижрочиси эди. Зокировлар оиласи ўзбек халқининг мусиқа маданиятига салмоқли ҳисса кўшган сулола саналади.



Қаҳрамонимизнинг болалиги, ёшлиги санъат муҳитиди тарбияланади. Унинг хотириаси ва эшитиши қобилияти жуда кучли эди. Расм чизишга, ёзиша қизиқсан. Санъатда илк устоzlари – отаси Каримжон ака, онаси Шоиста опа бўлган. Ботир Зокиров ёшлинидан кўшиқини дилдан севиб кўйлашин одат килди. Биринчи кўшиги “Қайдасан, сени кутаман” деб номланниб, 14 ёшида “Мажнун” деб номланган картинани чизган.

Ботир Зокиров Тошкент давлат консерваториясининг вокал факультети ҳамда А.Н.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг режиссёрик факультетида таҳсил олган. У ўша давр эстрада санъатида қалдирғоч саналган. 1956 йилда “Ёшлик” ансамблини ташкил этиди ва тез орада шуҳрат, ётибор козонади. Хонанданинг овозини бир эшиттанин одал, албатта, уни эслаб колар, кўшиклирга меҳр кўярди. Чунки у қалб тубидан чиқадиган ларзага солувчи тоза, тасъирчан, бетакор булбулиг ўёдек юмшоқ овоз тембринга эга бўлган. Ботир Зокиров ижросидаги араб бастакори Фаридзаль-Атрашининг “Араб танго”си кўпгина давлатларда мухлислир тилига тушган ва бу кўшиқ хонанданинг “ташириф қоғози”га айланган. У шу тарика 23 ёшида машҳурликка эришган.

Шунингдек, у турли жанрларда – опера ариялари, ўзбек халқ кўшиклиари, хорижик “шлягер”ларни кўйловчи машҳур хонанда сифатида тилга тушган. Ҳозирги кунда ҳам ўзбек эстрада санъатининг асосчиси ва ёрқин юлдузи, ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировнинг жаҳон мусиқа санъатида ўз муносиб ўрни бор. У ҳақида кечкандан, “Инсоннин қанча умр кўргани эмас, қанча амал бажаргани муҳим”, деган хакли фикр туғилиди инсонда. Серқирра ва бетакор иштедод эгаси Ботир Зокиров 48 йиллик киска умри давомида ўзбек санъатида катта бурилиш ясаб, номини абадиятига муҳрлай олди. Хонанданинг “Араб тангоси”, “Қайдасан, азизим?”, “Раъно”, “Ҳаёлимда бўлдинг узум кун” ва бошқа кўшиклиари ўлмас ижод намунаси бўлиб қолавади. Ҳеч ким беназир эмас, бироқ бетакорлар борлигини ҳам инкор этолмаймиз!

Ўзбекистон Республикасининг сабиқ Президенти Ислом Каримов Фармони билан Ботир Зокиров ўlimiyidan сунг “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган. Унинг энг катта мукофоти эса бутун халқ муҳаббати ва улуг хотириаси борлиги, албатта.

Ботир Зокиров ҳаёт бўлганида 85 ёшини қаршилаган бўларди.

М.ЗОКИРОВА,

Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

Бобораҳим Машраб таваллудининг 381 йиллигига

Буюк аллома Махмуд Қошгари “Замон ўтар, киши тўймас, инсон боласи мангу қолмас”, дегандা нақадар ҳақ эди. Бу дунёда мангу нарсанинг ўзи ўйқ, Лекин шундай исонлар булади, уларнинг қылган эзгу амаллари, яратган асарлари, қафиётлари бу фоний дунёда бир умр колгандек одамлар қалоига муҳрлайди. Ҳудди шу муҳр ҳалқилик адабиётидир. Шу боси ҳам Абдулҳамид Чўлпон “Адабиёт яшаса – миллат яшади, миллат омон бўлса – Ватан қолур” деб таъкидлаган.

Дарҳақиқат, буюк аждодларимиз Абу Райхон Беруний, Фаробий, Ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Алишер Навоий, Захирiddин Муҳаммад Бобур ва Бобораҳим Машраблар яратган ўлмас асрлар ўзбек элининг умрбокийлиги, буюклиги доврутини бутун дунёга ёйиб, ўзга ҳалқлар қалбига Ватанимиз ва ҳалқимиз мухаббатини сингдиришга, замонларни замонларга улашга хизмат қилмоқда.

Ҳакиқат излаган шоир

Мустақилликка эришгач вилоятимизда ўзбек мумтоз адабиётининг оташнафас, ҳаққи, ҳақгўй шоир, буюк доностиманд, тұғма истебод соҳиби Бобораҳим Машраб таваллуд топган кунни тантаналини шонлаш, май ойини “Машрабхонлик ойи” деб зылон қилиб, тадбирлар, хотира кечалари, анжуманлар ўтқазиш анъянага айланди.

Наманган шаҳридан кетсам,
Мени ўйклар кишим борму?
Ғариплик шаҳрида юрсам,
Мени ўйклар кишим борму?

дея нолаға фиғон чеккан Машраб бобомизни мана орадан неча асрлар ўтса ҳамки, бугунги кунда нағафат Наманган аҳли, балки бутун дунё тан олиб, ёд этмоқда, газалларни ҳофизлар кўйга солиб, севиб ижро килишмоқда.

Машраб XVII аср охири XVIII аср бошларидаги яшаб, зулматни чакмоқдек ёритган, даврнинг катта ижтимоӣ дарди бўлиб юзага чиқкан эди. Унинг исонсозиа ифодаланган шеърларисиз ўша замонни тасаввур этолмадик. Машраб шарқ ҳалқларининг даҳсози ва донолиги тимсоли бўлган Насриддин афанди сингари ҳалқ орасида яшиди, сўзларини курол қилиб, феодализм жамиятидан, хону беклардан заррача қўрқмади. Ҳалқ орасида долюар, тўғрисиз, зукко, бурро тил, бетга чопар, ҳозиржалов, ҳаққиётларвон бўлиб босх кўттарди. Ўша даврда орзу ҳам қилиб бўлмайдиган ҳакиқатни излаб, юртма-юрт, элма-40 йил дарбадарлидаги ҳаёт кечириди.

Аммо уни тополамиди, ақсинча, ижтимоӣ тенгислизика дуч келди. Бир томонда элни талааб, тўқ яшаетган амалдорларни, бир томонда эса оч-яланоч ҳалқни кўрди. Дунёни гурбатхона деб табади уни ўз шеърларига катта курмат билан қарайди:

Наманган шаҳридан дўстлар, азиз ёронлар келди,
Отам бирла онамни, қадрни билганлар келди.

Ҳакиқат изладим, тинмай мисоли қуш бўлиб учдим,

Ҳакиқат нурга мен зор, кўнгил тортгандар келди.

Машраб ўз шеърларидаги қишиларни инсоғфа, адолатга, меҳр-шағфат ва муруватга даявт қилди, дилозорликни қоралаб, газаллар ёди.

Шунинг учун ҳам Машраб газаллари умрбокийлар, асрлар ўтса ҳамки, шоирни йўқловчилари, қўмсовчилари бисердир. Бугунги кунда унинг ватанинга бўлган соғинч тўла мағрур, илхомбахш диний ва дунёвий ижоди баралла янгратмокда.

Машраб ижодида унинг “Мабдаи нур” номли шеърий асари алоҳида ўрин тутиди. Бу асар жуда мумхин фалсафий, алқоқий, тарбиявий, илмий аҳамиятга эга бўлиб, Машрабнинг сара асарлари сифатида ҳалқ томонидан ўқилиб, оғиздан-огизга ўтиб келган.

“Мабдаи нур” ибораси нурнинг бошланиши, чиқиш жойи, яны Аллоҳ нурининг жило бериши, дунёни, қишилар қалбини ёри-


мавжуд имкониятлардан илҳомланиб, ўз концерт дастурларини ўтказдилар.

Кечанинг ташкил этилишида маҳоратли устозлар Мавжуда Назарова ҳамда Бариной Чўтбоеваларнинг хиссаси катта.

Ажаб сеҳра эга дуторда ижро этилган “Дутор оҳанглари” Хоразм кўйлари ҳамоҳанглигига янграган попурийлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

У.НОРБОЕВ,

Сурхондарё вилояти маданияти бошқармаси бошлиги ўринбосари



тиш каби маъноларга эга.

Асарда берилган ҳоқоялар пайғамбарлар, шоҳ-амирлар, авлиёлар, шайхлар, хожалар, тақвадорлар ва бошқа машҳур қишилар ҳаётидан олинган ибраторумуз, аҳлоқий-тарбиявий ривоятлардир. Ҳикоя ва газалларидаги инсонларнинг ижобий-тарбиявий хислатларни ишлаб олган ўтган умри ҳақида шундай шеър битади:

Дили тиги ситамдин пора
булган ҳалқни кўрдим,

Тани дарду аламдин ёра бўлган
ҳалқни кўрдим.

Наманган фарзанди, демо-
кратик оқимдаги ўзбек адабиёт-

тининг атоқли намояндаси, она

дмёридан қувғин бўлган Машраб

азоб-уқубат ва муҳтожлик билан ўтган умри

ҳақида шундай шеър битади:

Ишқ саргардонидурмэн, ўқ менга саб-
ру сукун,

Толем бўлди мени рўзи азалин вожгун.

Машрабнинг шахсий ҳаётни фожеона

були, у доимо таъқиб, қувғин остида яша-

ди. Бу ҳол, шубҳасиз, унинг ижодий меро-

сида ҳам ўзининг чуқур изини қолдирди.

Шоир ўз асарларидаги ҳаёт шод-хуррамлиқ

қўргамаглигини, яқин ҳамард, қишиси

бўлмаганлигини, доимо азоб-уқубатда яша-

ганигини қайта-қайта баён этади:

Дўстлар ҳолимга ўшглар, душманим кўрса

кулар,

Дард кўп, ҳамдард ўқ, душман кўп, то-

лэз забун.

Юз жафони бошима орттурди, вафони

курамид,

Охри бори маломат қоматимни қилди

“нуң”.

Кўпгина чет мамлакатларни кўриб, яшаб

ижод қилган Машраб ҳар доим ўз ватанини,

ўз туғилган юртини кўмасидай, уни завъ бил

тўла мағрур, эслайди, ватандошларига

катта курмат билан қарайди:

Наманган шаҳридан дўстлар, азиз ёрон-

лар келди,

Отам бирла онамни, қадрни билганлар

келди.

Ҳакиқат изладим, тинмай мисоли қуш

бўлиб учдим,

Ҳакиқат нурга мен зор, кўнгил тортгандар

келди.

Машраб ўз шеърларидаги қишиларни ин-

соғфа, адолатта, меҳр-шағфат ва муруват-

га даявт қилди, дилозорликни қоралаб,

газаллар ёди.

Машраб ижодида унинг “Мабдаи нур”

номли шеърий асари алоҳида ўрин тутиди.

Бу асар жуда мумхин фалсафий, алқоқий,

тарбиявий, илмий аҳамиятга эга бўлиб, Маш-

рабнинг сара асарлари сифатида ҳалқ томонидан ўқилиб, оғиздан-огизга ўтиб келган.

“Мабдаи нур” ибораси нурнинг бошлани-

ши, чиқиш жойи, яны Аллоҳ нурининг жи-

ло бериши, дунёни, қишилар қалбини ёри-

миди.

Нигора МўМИНОВА,

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи бўлими мудириаси

» "Китобхонлик ҳафталиги"

Қалбларни нурга түлдириб

Китоб инсоннинг энг яқин дүстү, маслахатдошидир. Уни биз күёшга ўшатамиз. Күёш оламни ёртса, китоблар инсон қалбини нурга түлдиради. Президентимиз Шавкат Мирзиев ҳам ўз нұтқларидан бирда "Бугун битта китоб ўқиган бола зертага ўнта телевизор күрган болага етакчилик қиласы" деге тәъкидлаган эдилар.

2021 йилинг 1 - 10 апрайла кадар Сурхондарё вилюятида "Китобхонлик ҳафталиги" доирасида Термиз шахидаги адаб Собир Термизий ҳамда вилят болалар кутубхонаси ва "Термиз" давлат музей-кўрикхонаси ҳамкорлигига "Ўзбекистон китобхонлар юрти" шири



» Кадриятларимиз

Халқимизнинг урғодат ва анъаналари, маросим ва байрамлари ижтимоий ҳётининг акжалласып кисмидир. Майдумки, ҳар бир инсоннинг шахсий ҳастида шундай муҳим воқеалар бўладики, улар алоҳида эътиборни тақозо қиласи. Бу ходисалар ўзига хос тантана ва байрам тарзида нишонланади.

Ҳар ишда бир ҳикмат бор...

Жумладан, оиласи маросимлар халқ маънавиятининг таркиби қисми, ахлоқий қадрияти, таъсиридан тарбия воситасидир. Уларда намоён бўладиган одоб-ахлос, меҳр-оқибат каби хислатлар ёшлар тарбиясида мухим аҳамият касб этади. Халқ анъаналари қадрланидиган оиласларда вояга етган ёшлар эса ибратли ахлоқи билан бошқалардан ажralиб туради.

Оиласи маросимлар тарихий жараёнда халқ педагогикаси ва доинишмандиги билан ўйгунлашиб бориб, асрлар давомида ёшларни тарбиялашнинг асосий шаклларидан бирни бўлиб келган. Милий қадриятларимиз акс этган урғодат ва анъаналарга хурмат билан қараладиган, маънавий-эстетик жихатларга алоҳиди эътибор бериладиган оиласларда соғлом мухит хукмрон бўлади. Табиийти, бундай оиласларда тарбия топган ёшларда аждодларидан фарҳанниш, ватанини севиш, яхнинарин ардодлаш кўнималари шаклланади. Асрлар оша етиб келган ўзбек халқ оиласи маросимларининг асосий мөҳияти инсон ва оила хаётидаги энг муҳим, йирик ходисаларни нишонлаш бўлиб, уларни ташкил килиш жараёнидан ахиллик, имон-эътиқод, иззат-икром, меҳр-оқибат, одоб-ахлос, меҳмоннавозлик, биродарлик каби инсоний фазилатлар намоён бўлади.

Нига, балки маънавий-бадиий савиасига кўпроқ эътибор бербি ўюнтириш лозим. Тўйларни ҳар томонлама тартибга солиш, ихчамлаштириш, айниқса, бадиий жиҳатдан бойитиш хозирги давр талабиди.

Тўй - хаётда катта шодмёна, оила баҳтсаодати ва фаровон турмуш рамзи, инсон умринг гулотки, ҳаётнинг энг баҳтли, энг қувончили дамлари. Уўзига хос ибрат мактабидир. Зеро, тўй маросимда ҳамжигатлик, ахиллик, иноқлик, иззат-икром, меҳр-оқибат, меҳмоннавозлик каби фазилатлар ўз ифодасини топади. Инсон зотини қадрлар, хурматлаша узулгашда тўйлар ана шундай беқеёс қимматга эга.

Никоҳтўй - иккичининг никоҳини жамоатчиликка маълум килиш тантанаси бўлиб, қатор маросим ва одатларни ўз ичига камраб олади. Инсон ҳаётида янги саҳифа очадиган бу муҳим тадбир никоҳданаётган ёшлар учун унтилимас воқеадир. Никоҳ тўйи билан боғлик одатлар, иримлар, удумлар, расм-руслумлар ҳам жуда кўп. Ўзбекистонинг турли шаҳар-кишлоларида ўтказиладиган никоҳ тўйларининг умумий жихатлари бўлганидек, ҳар бир худуддаги тўйларнинг ўзига хос томонлари ҳам мавжуд.

Хозирги кунда никоҳ тўйлари уч босқичли жараённи ўз ичига олади:



Шунингдек, авлоддан-авлодга ўтган ранг-баранг анъаналар, тўй-томуша, халқ сайллари, уларда ижро этиладиган фольклор жанрлари, ракслар, ўйин-мусобакалар, кутловлар, дуолар ёшларнинг маънавий баркамол инсон сифатида тарбиялашни катта аҳамиятта эга. Бу ўринда оиласи маросимларининг маданий, маънавий, ахлоқий, тарбиявий жихатларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Туркӣ халқлар, жумладан, ўзбек оиласларда чакалоқ тутгиланидан то улгайб, янги оила кургunga қадар содир бўладиган муҳим воқеаларни кайд қиладиган оиласи маросимлар тизими тизими вуужудга келган. Мазкур тизими кирган "чакалоқ дунёга келиши", "исм бериш", "чилла сақлаш", "бешик тўйи", "соҳ тўйи", "биринчи қадам", "суннат тўйи", "мучал тўйи", "никоҳ тўйи" кабилар ёшларнинг камол топшида ўзига хос маънавий "зина" сифатидан хизмат килган.

Оиласи маросимлардан никоҳ тўйи музайен шахс ҳётидаги хусусий тадбир бўлиб гина қолмай, унда кўни-кўшиллар, қариндош-урулар, ҳамкаслар, маҳаллодаш-қишлоқлар шактаганин учун муҳим ижтимоий-маданий аҳамиятта ҳам эга бўлган воқеадир. Шу бois уларни мазмунли ва шаклан кизиқарли қилиб, бир томондан халқ анъаналаридан самарали фойдалани, иккичин томондан замон талаби даражасида нафақат моддий зами-

Биринчи босқич - келин таълаш, совчи юбо-риш, нон синдириш, фотиҳа килиш каби маросимлардан ташкил топади.

Иккичинчи босқич - келинни күёвнинг ўйига олиб келиш, никоҳлаш, тўй-томуша, базм каби тадбирларни ўз ичига олади.

Учинчи босқич эса никоҳ тўйидан сунг ўтадиган - "юз очди", "келин салом", "кўёв чакрири" каби жараёнлардан иборат.

Фарғона никоҳ тўйларидаги одатлар ҳам ранг-баранг: "қиз кўрди", "баш боғланди", "нон синдириш", "уй кўрди", "пайшанбалик", "хайтлик", "фотиҳа тўйи", "тўққиз товоқ" кабилади.

Никоҳ тўйи оила қурган йигит ва қиз зими масига жамиятнинг янги, иккича бўғинини тузиш, авлодни давом этириш, жамиятга хизмат қилиш каби вазифаларни ҳам юклайди. Шунинг учун ҳам катта ижтимоий аҳамиятта эга бўлган никоҳ тўйларини ташкил жараённида асосий диккатни зиёфатбозлика эмас, балки тўй қатнашчиларининг маънавий озиқ олиши, ҳалқимизга хос энг яхши фазилатларни ёшлар онига синдириш, янги оиласининг мустаҳкам гояйи-матнавий пойдеворини яратишга қаратмоқ лозим.

ШАҲСИҲУЖАЕВА, ЎҲУЖАЕВА,

Фарғона вилояти тарихи ва маданийи давлат музей илмий ходимларни

остида тадбир ташкил қилинди.

Унда Термиз шаҳар депутати, тарбибот гурухи ҳамда шаҳардаги 11-умумтъалим мактаби директори Д.Нормуродова, Ш.Орипова ҳамда 4-умумтъалим мактаби ўқувчилари фаол қатнашиб, музей томонидан ташаккурномалар билан тақдирланиши. Тадбир давомида ёшларга мутахассислар томонидан музей ҳақида мазмунотлар етказилди.

Барно БЎРИЕВА,
"Термиз" давлат музей-кўрикхонаси
кутубхона мудири

» Эълонлар

"TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO" МЧЖ

2021 йил 25 май куни бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориши тартибидаги очик аукцион савдоларини ўтказади!

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 11-йуда жойлашган ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши балансидаги 2010й. и/ч, д/р 01/346НАА, бошлангич нархи 22 715 000 сўм бўлган "NEXIA" русумли; Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 11-йуда жойлашган "LOYIHALAR BOSHQARUVIMARKAZI" ННТ балансидаги 2004й. и/ч, д/р 01/606МВА, бошлангич нархи 19 289 000 сўм бўлган "NEKSIЯ" русумли; Тошкент ш., Юнособод тумани, Бодомзор йўли кўчаси, 1"А"-йуда жойлашган Марказий авария-диспетчерлиги хизмати корхонаси балансидаги 2001й. и/ч, д/р 01/667РГА, бошлангич нархи 6 054 466 сўм бўлган "GAZ-3102"; 2000й. и/ч, д/р 01/252ТВА, бошлангич нархи 8 081 232 сўм бўлган "GAZ-3102"; 1998й. и/ч, д/р 01/439ЕСА, бошлангич нархи 5 062 791 сўм бўлган "GAZ-3102"; 2000й. и/ч, д/р 01/593WFA, бошлангич нархи 7 527 943 сўм бўлган "GAZ-3110"; 1998й. и/ч, д/р 01/632РГА, бошлангич нархи 6 103 536 сўм бўлган "NEXIA"; 1999й. и/ч, д/р 01/614ВСА, бошлангич нархи 6 109 318 сўм бўлган "ДАМАС"; 1992й. и/ч, д/р 01/467ТВА, бошлангич нархи 7 162 411 сўм бўлган "ВАЗ-21065"; 1988й. и/ч, д/р 01/928АСА, бошлангич нархи 7 950 000 сўм бўлган "ТАЗ-5227"; 1988й. и/ч, д/р 01/365ВСА, бошлангич нархи 8 171 780 сўм бўлган "САЗ-3507"; 1988й. и/ч, д/р 01/325ВСА, бошлангич нархи 8 171 800 сўм бўлган "ГАЗСАЗ-3507"; 1982й. и/ч, д/р 01/986КСА, бошлангич нархи 8 230 833 сўм бўлган "ГАЗ-52"; 1975й. и/ч, д/р 01/023КСА, бошлангич нархи 8 230 833 сўм бўлган "ГАЗ-52" русумли автотранспорт воситалари ҳамда 1999й. и/ч, д/р 01/DA104, бошлангич нархи 123 047 959 сўм бўлган "SL-130W-V" русумли экскаватор ва 1999й. и/ч, д/р 01/322ВСА, бошлангич нархи 68 793 807 сўм бўлган "ДЭУКС-1256M" русумли автокран кўйилади.

Талабгорлардан буюрманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларидан мазкур эълон чиқкан кундан бошланади ва савдо кунидан 3 (үч) кун аввал соат 18:00да тўхтатилиади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камидаги 20 фоизи микдоридаги закалат пули "TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотекабанк" Шайхонтохур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 хисоб рақамига тўланади.

Савдо голиби, савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичиди олди-сотди шартномасини имзолаши ҳамда тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови микдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, фарқ қилаётган суммани шартнома тузилгунга қадар закалат тўланган хисоб рақамига тўлаб бериши шарт, шунингдек, ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг автотранспорт воситаси бўйича савдо голибига савдо ташкилотиси учун объект сотилиши нархидан тўланадиган 5 (беш)% микдоридаги комиссиян тўловни алоҳида қоплаб бериш мажбуриятлари юклитилиади.

Мазкур объектлар белгиланган савдо кунидан сотилмаган тақдирда, улар бўйича тақрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар сенсанба кунлари тақдирларидан ташкил жароҳатларидан ташкилотиси учун объект сотилиши нархидан тўланадиган 5 (беш)% микдоридаги комиссиян тўловни алоҳида қоплаб бериш мажбуриятлари юклитилиади.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва қуидида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-йуд, 8-хона.

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 209-23-41; телефон: (71) 209-23-41, электрон почта: TUAS_MCH@MAIL.RU.

Гувоҳнома № 005357

"TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO" МЧЖ АХБОРОТИ

"TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO" МЧЖ томонидан 2021 йил 11 ва 30 марта ҳамда 13 апрель кунлари ўтказилган очик аукцион савдоси натижалари кўра, Марказий авария-диспетчерлиги хизмати корхонаси балансидаги д/р 01/265ТВА бўлган "ГАЗ-3102" – 12 550 000 сўмга; Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги "YAGONA BUYURTMAKI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA" ДУК балансидаги д/р 01/294ТВА бўлган "НЕКСИЯ" – 18 600 000 сўмга; ўзбекистон Республикаси Олий суд балансидаги д/р 01/783QНА бўлган "NEXIA 2" – 22 350 000 сўмга; д/р 01/795QНА бўлган "MATIZ" – 11 700 000 сўмга сотилганлиги ҳамда Марказий авария-диспетчерлиги хизмати корхонаси балансидаги д/р 01/667РГА бўлган "GAZ-3102"; д/р 01/439ЕСА бўлган "ГАЗ-3102"; д/р 01/593WFA бўлган "GAZ-3102"; д/р 01/941VFA бўлган "GAZ-3110"; д/р 01/632РГА бўлган "NEXIA"; д/р 01/614ВСА бўлган "ДАМАС"; д/р 01/467ТВА бўлган "ВАЗ-21063"; д/р 01/928АСА бўлган "ГАЗ-5227"; д/р 01/365ВСА бўлган "САЗ-3507"; д/р 01/325ВСА бўлган "ГАЗСАЗ-3507"; д/р 01/986КСА бўлган "ГАЗ-52"; д/р 01/023КСА бўлган "ГАЗ-52" русумли автотранспорт воситалари ҳамда д/р 01/DA104 бўлган "SL-130W-V" русумли экскаватор ва д/р 01/322ВСА бўлган "ДЭУКС-1256M" русумли автокран ушбу ташкилотнинг 2021 йил 19 апрелдаги 112-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олингандиги маълум килинади.

Гувоҳнома № 005357

» "Ёш китобхон" - 2021

**Мутолаа
учун -
30 миллион...**



Ўзбекистон ёшларининг маънавий интеллектуал қобилиятини ошириш, мутолаага бўлган кизиқишини янада кучайтириш борасидаги сайды-харакатлар натижасида китобсевар ўшларимиз сафи тобора кенгаймокда.

Бухоролик Шамшода Ҳамдамова улар орасида энг иктидорлиси, энг истеъоддиларидан десак ишонаверинг. У вилоят кўзи ожизлар маҳсус кутубхонасининг энг фоал китобхони, маънавиятга бой шеър ва ғазаллар билан эътибор қозонган ёшиждорлардан биридир. Шамшода бутунги кундада Бухоро давлат университетининг 2- босқич магистранти. Ёш шиорининг "Тўлин ой", "Кўнгил гулшани" каби шеър

рий тўпламлари аллақачон муҳлислар кўнглидан жой олган.

Шамшоданинг истебоди, адабийтга бўлган катта қизиқиши, айниқса, шу йил 9 апрелда ўтказилган "Ёш китобхон" танловининг республика босқичида янада ёрқин намоён бўлди. Кўриш бўйича 1-гурух ногорони, кутубхонасининг фоал китобхони Шамшода Ҳамдамова 20 – 30 ёшлилар ўтрасида фаҳрли 2-уринни эгалаб, 30 миллион сўм тул ютугини кўлга кириди. Энди у кутубхонасининг энг кўп китоб ўчиридан аъзоми сифатида ходимларнинг фахру ифтихорига айланди. Қалб кўзи очиқ Шамшоданинг бою туклари баъзи соғлом, аммо китобга, мутолаага эътиборсиз ўшларга ибрат бўлиши керак.

» Эссе

Шошаётган одамга

Тўхта! Кара, анчагина терга ботибсан. Юрагингнинг урушини-чи, овози менга ҳам эшитиялти. Таажжубдаман! Шунча босимни кўтарганига, кўксингни ёриб чиқиб кетмаганига ҳайронман. Кел, ёнимга ўтири, мен билан бироз сұхбат қур. Биламан, вақт тўхтаб турмайди. Вақт, бу – бераҳм ҳакам. Сония эса батзиларга "пулнинг шиқирилашидек" эшитилади.

Бир гап айтами? Мен ҳам сендан сал олдинроқ шу ерга тин олган тўхтагандим. Карасам, замон текпилаб ўтиб кетяпти. Майли..., унинг қиласидаги иши шу-да.

Кўпгина йўлчиларни тўхтатишга уриндим, лекин улар тўхташмади. Фақат сен..., негадир сен тўхтадинг. Агар "йўк" демасанг, бирга йўлга тушумиз, юришимиз ҳам олдингидан жадалроқ бўлади, фақат кейинроқ, хўпки?

Хозир эса бироз нафасингни ростлаб ол. Мен сен билан сұхбатлашиши хоҳлайман. Ҳаёт фалсафасини, бизнинг бир бутунимиз бўлган Она табиатнинг эшитилмай қолган овозини сен билан бирга тинглагам келяпти.

Нима учун инсон боласига "онг" дея атальмиш буюк яратма берилганига тушунмайман. "У кимлигни англари керак эмасми?" – дейсанми? Саволинг ўрнини. Ҳа, тўғри, у кимлигини, нимага яратилганини, қандай куч яратганини англари лозим эди. Бирок мана шу англашга бўлган интилиши уни инсондан инсон эмасга айлантириши ҳам аён эди-ку. Масалан, сен нима учун шошяпсан? "Пул топиш учун" – дейсанми? Шошилмасан, очингдан ўласанми? Нима? "Бой бўлиши керак?" Ким бу фоний дунёда топган молини оркала беттани экан? Ҳа-а, бошқалар сендан олдин эга чиқиб қўйишидан қўрқасанми? Бу "дард" инг ҳам асосли. Ҳуддики, куёш доим гарбга ботгани каби

шади. Албатта, бу ёмон. Мен оёқ остида қолишини истамайман, сен-чи? Ҳа, тўғри айтдинг, "олдинга интилган маъқул". Интилганда ҳам шошилиш, талиниш керак. Шундагина оёқлар остида қолмайсан. Шундагина ортингда колтанилар орзу қилган обрга этишасан. Энг аклии инсон дея тан олинасан. Ҳамма сенгент ҳавас қиласиди. Сўзларингни кундакликларига шиор қилиб ёзишади. Сенга ўхашини хоҳлашади, тақлид қилишади. Ахир бизга шу керакмасми?

Сен қандай фикрдасан? Балки "онг"ни ўзимизга бўйсингандир, калбни вужуд шохи дея сайлаганимиз маъқулдир. Тўғри, у тараққиётга хизмат қилмайди, бирок ўша вужудни тирик тутади-ку. Эҳтимол, унда мағфаат атальмиш енгилмас куч ѡшамас, бирок мана шу қалб бутун бир дунёни куткариб қолишига кодир бўйлан мухаббатга бошланана-ку. Наҳотки бир инсонни баҳти қиломаса? Балки, Тантри таолло кун келиб киёнаткорга айланадиган "онг" билан курашиш учун юракни яратандир. Чунки юрак ўз хўжасига хиёнат қилмайди. Онга эса хиёнат қиласиди. Ҳуддики, фойда бераётгандек алдайди. Хеч бўлмаганда кишининг инсонийлигига хиёнат қиласиди.

Бутун бир ерда туриб қолган одамни деярли учратмаймиз. Қўлида ҳасса, бир оёғи гўрда бўлса-да, шошаётгандарни кўриб ҳайратим ошиди. "Одатда, бу даврда одам боласи инсоф деган чегарани англаб этиши зарур", деб ўйлайман.



азалдан Одам фарзанди қонида ҳам олдинга интилиш, биринчи бўлиш истаги мавжуд. Бу ҳам "онг" деб атальмиш буюк яратма маҳсулни аслида. Бунда сенинг зигирича айбинг йўк. Шунчаки, оқимдан тезлашган ҷархалакларек чирлирак бўлиб айланётган даврда ѿшяяпсан, холос. Онгинг ҳам ўша замон ҳавосидан нафас олиб турди.

Биласанми, мана шу "онг" ўзи билан бирга "манфаат" исмли укасини етаклаб юради. Улар ҳудди бир бутундек. Албатта, киши учун иккиси ҳам керак. Чунки улар танан харакатта ундан турди.

Агар иккисини бир-биридан айро тасаввур килсан, мисол учун, "онг"сиз "манфаат" бор, бунда нима бўларди? Тахминимча, одамзоднинг ҳайвондан фарқи қолмасди. Охурда емини талашиб-тортишиб ёёғтган жонзотни ҳеч кузатгансиз? Унинг манфаати – корнини бошқалардан-да кўйроқ тўйдирши. Бошида "бошқаларга ҳам қолдириш" ёки "бўйиб қоламан", ёрилиб кетаман" деган тушунча бўлмайди. Бунинг учун унга "онг" керак.

Аксинча бўлса-чи? "Манфаат"из "онг" бўлса, унда бугун ҳар қадамимизда мукаммал инсон боласими учратардик. Вақт ҳам мазмунли умрга сарфланган бўлармиди! Бирок манфаатсиз кишини жамият қабул қиласиди. Чунки бундай одамларни жинни деб атаймиз. Улар замон зайлida оёқ остида қолиб кети-

мен олис бир манзилда, мисол учун, қандайdir бир тог бағрида, бой бўлмаси ҳам, камтарони олам билан ҳаёт кечирсан дейман. Мўъжазгина томоркамда меҳнат қилиб, унга меҳримни берардим. Картошка, сабзи, шолғом экардим. Эрталаблари куёш чиқишини, кечта қизил шафакни кузатдидим. Ибодат қиласиди...

"Тириклик нима бўлади?" – дейсанми? Мехнат қилсанг, албатта, ризқингни топиб ейсан, бирок, қанийди, мана шу нафс қаноатни билса. Кишига қаноатдан кўра нафснинг берган васвасаси лаззатлироқ. Биронининг "коса"сидаги "овқат" эса додим мазали бўлган.

Қадрдоним! Мен сени ўзимга яқин олиб, шундай чақирисан майлими? Сен билан дардлашадиган гапларимиз ҳали анча кўп эди, бирок биз озми-кўпми вактини бой бераб кўйдик. Ҳа, анчагина орқада ҳам қолиб кетдик. Суҳбатимиз фалсафа устида кетди, ўзимиз эса реал ҳаёт ичидамиз. Энди ўрнингдан тур, йўлга тушамиз. Бошқаларга етиб олишимиз, улардан ўзиб кетишимиш керак.

Кел, мана шу ерга кўксимиздаги юракларни кўмиб кетайлик. Бўлмасам, яна пайти келиб тин олишга мажбур қиласиди... ана бўлди..., энди юракол, шошишимиз керак..., шошилиш зарур...

Оламгир

» Гендер тенглик



Аёлларга зўравонлик:

муаммо ечими нима?

Мамлакатимизда хотин-қизларни тазийик ва зўравонликлардан ҳимоя қиласиди борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2019 йил 2 сентябрда "Хотин-қизларни тазийик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул килингани, шунингдек, Президентимиз ташаббуси билан хотин-қизлар муаммоларни ўрганиш ва манзили ҳал этиш мақсадиди "Аёллар дафтари" жорий этилгани бунга яққол мисодидир.

Бугунги кунда аёлларимизга нисбатан кўрсатилётган зўравонниклар сабаби нима? Бунга ечим бормиз?

Таҳлил қилар эканмиз, асл муаммо хотин-қизларимизнинг ҳуқуқий билим даражаси етариҷа эмаслиги, олий таълим мусассаларида таҳсил олаётган аёллар фоизи камлигидир. Шунни инобатга олиб, хотин-қизларга таълим олиш имкониятини яратиш ва уларнинг ҳуқуқий билим даражасини оширишига қаратилган телекўрсатувлар сонини кўпайтириш лозим. Ўқимлиши, зиёли, кенг дунёқарашга эга ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билади ва сизу биз хавотир олаётган ачинарли ҳолаттагача этиб бормайди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, аёлларимизнинг ҳуқуқий билимларини энг юқори чўққига чиқара олсанкина, кўзлаган мақсадимизга қисқа муддатларда эриша оламиш.

Хўш, бунинг учун нималар қилишимиз керак?

Аввало, гендер тенглик масалалари бўйича бошлангич билимларни умумтаълим мактабларидан бошланиш зарур.

Албатта, аёлларга нисбатан зўравонликларни камайтириш ва жамиятимизда улар мавқеини оширишда эрракларимизнинг роли жуда аҳамиятли. Шундай экан, эрракларимизга Гендер тенглик масалаларини тўғри тушунтириб, тўғри етказа олишимиз даркор. Одатда кўпчилик гендер ва жинс тушунчаларини бир хил деб ўйлашиди, шунинг учун бу эркак ва аёл киши биологик эмас, балки ижтимоий ва маданий тенгликни талаб қиласидан тушунча эканини ўқтиришимиз лозим. Бунинг учун дастлабки босқичда бошқарув лавозимларida фаoliyati юритиб келаётган раҳбар эрракларимиз учун қисқа муддатли мақсади ошириш курсларининг ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Хуласа шуки, юкори келтирилган таклиф ва мулоҳазаларим орқали аёлларнинг нафақат турмуш ўртоқ, келин, она, уй бекаси, балки жамият учун керакли шахс сифатида ўзини намоён қилишига, профессионал ривожланишига ҳуқуқи борлигини кенг тарғиб қилиш ва имконият яратиб бериш керак.

Феруза КАРИМОВА,

Жиззах вилоят маданиятини бошқармаси таълим мусассалари фаoliyati тишини мувофиқлаштириш бўйича бош мутахассиси ҳамда Гендер тенглик масалалари бўйича Маслаҳат Кенгаши раиси

» Тадбир

Музейда эл суйган санъат- корлар



Санъат ва маданият бутун бир халқнинг маънавий дунёсини, ички кечинмаларни кўрсатиб берувчи кўзгудир. "Санъатни севган инсондан хеч қачон ёмонлик чикмайди", деб бежиз айтишмаган.

Юртимизда маданият ва санъат соҳасида ҳам туб ўзғаршилар олий борилаётган хеч биримизга сир эмас. Президентимиз томонидан "Маданият ва санъат соҳасининг жамияти ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидо" ги Фармонининг қабул клишини ва ушбу ҳужжат асосида амалий ишларнинг олиб борилиши фикримизда далилларидир.

Жумладан, Фарғона вилояти тарихи ва маданийи давлат музейида ҳам жорий йилнинг 15 апрель куни "Музейда эл суйтан санъаткорлар" лойиҳаси доирасида маданий тадбир ташкил қилинди. Унга эл суйтан устоз санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, фароналик санъаткорлар супланини ёрғин вакили Убайдулло Алиев меҳмон сифатида таклиф этилди.

Тадбирни музей директори Хайрулло Зокиров очиб, музейда яна бир булоқ санъат вакилини кўргиб турганидан миннатдор эканлигини айтиб ўтди.

Устоз санъаткор мумтоз кўшиклардан кўйлаб, барчанинг олқишига сазовор бўлди. Ҳодимлар санъаткорга ўзларини кизиқтирган саволлар билан мурожаат этилди. Ироилжон Раҳимов режиссерлигига ташкил этилган ушбу тадбир кўтаринки руҳда, кизигин сухбатларга бой ўтди.

Кеча сўнгидаги санъаткорлар гурухига музей-домини томонидан экскурсия ташкил этилди.

М.ТОШБОЛТАЕВА, ЎХОДЖАЕВА,
Фарғона вилояти тарихи ва маданиятини давлат музейи ходимлари

» Анъана



Сурхон воҳасининг мусиқа чолғулари

Сурхон воҳасининг мусиқа санъати ва чолғулари қўп йиллик тарихга эга. Уни Айритомдан топилган "Дўмбирач" ва "Уд ҷалаётган аёллар" ҳайкалларидан билса бўлади. Анъанавий мусиқа чолғулари халқ маросимишлири ҳамда яшаш шаророти билан боғлиқ бўлиб, номланиши, шакли, тузилиши, безаги, ижро услуги ва ўзига хослиги билан ажralиб туради. Овда, сафарда, чорвани ҳайдаш ва ибодат маросимларида пўфлама, торли, урма-зарбли чолғулар чакириклар ёки ҳайонлар овозига тақлид учун ишлатилган.

Ўша даврда чанқовуз, ёғочли, сувакли ва лойли наилар, дўмбира, доира, сурнай, кўбиз, дутор, сибизгадан халқ кўшиклари ва достонларини ижро этишга фойдаланилган. Рақслар ижросида қошик, кўнгироқча, қайроқ тош, оддий таёни бир-бира гуриши орқали чиқадиган товушларни ҳам мусиқа жўрлигига қўшишган.

Кенг тарқалган мусиқа чолғуларидан бири найдир. Улар қамиш пояси ва ёғочдан ясалган, узунлиги 15 – 20 сантиметр бўлган. Сибизга қамишдан ясалган ва пульфад чалинган. Айниқса, чўпонлар орасида кенг тарқалган. Чўл бургуги – ғажирнинг сувагидан ясалган найдан Бойсун тумани аҳолиси кўпроқ фойдаланган. Воҳа аҳолиси орасида кенг тарқалган пульфама чолғуларидан яна бири сурнайдир. У яккасоз ва ансамбл чолгуси сифатида кўйланилган. "Бойсун мавриғиси", "Лочава", "Оқча бола", "Ковшум", "Ҳамроҳ" кўшиклари сурнай жўрлигига кўйланган.

Торли чолғу – дўмбира тут, ўрик, ёнғоқ ёғочидан ясалган. Дўмбира торлари мол ичагидан эшилган. У бўтиқ товуш чиқарган. Бахшилар достонларни дўмбира жўрлигига ижро қилишган. Ўтмишда воҳаликлар кўйиздан ҳам кўп фойдаланганлар. Бахшилар ўз айтимларни кўбиз жўровозлигига ижро этган. Умир ва Рўзибий бахшилар дўмбира ва кўбизининг моҳир созандалари эди. Хозир кўбиз, урма-зарбли чолғу – дап ҳам ўйқолиб кетган. Дан доирага ўхшаш бўлиб, гардиши (кашнон) ўрик ёки ёнғоқ ёғочидан ясалган. Бир томони ёчки териси билан қопланган. Товуш пасти ва жарангиз чиқкан.

Воҳада кенг тарқалган чолғулардан бири чанқовуз (чанг қўбиз)дир. Чанқовуз – торли урма ёки тилсимон чертим асбоби. Уни асосан аёллар чалтан. Айланма тақасимон шаклда бўлиб, ўргасидан пўлат тил ўтказилиди. Чанқовузни ижрочи чап кўли билан тишларига босиб турбি, ўнг кўлнинг кўрсаткич баромги билан тилчасини харакатлантириди. Тил ҳаракати, ҳаво ва зарба воситасида товуш хосил бўлади. Ёғочли, темири ва түя қовуғрасидан сунъият чанқовузлар ясалган.

Воҳада халқ чолғулари катори халқ рақс турлари ҳам ривожланган. Жумладан, эрకларнинг "Сарбозча", "Ёқку-яқку", "Ғажир рақси", "Мавриғи", "Лочава", "Лаҳча", "Чорқарсак", "Қайроқ ўйини", "Уғу ўйини" расларни, аёлларнинг "Лаби хот", "Ғишт ўйини", "Урчук", "Қиз кийити", "Жамалак", болаларнинг эса "Бак-бака", "Чўпон бола", "Ўн уғу шахаль" каби ўйинлари анъанавий мусиқа чолғулари жўрлигига ижро этилган.

Х.Н.КАРИМОВ,

Республика баҳшичиллик санъати
маркази давлат муассасаси
баҳшичиллик тарихий экспозиция бўлими бошлиги

» "Яхшидан боғ қолар"

Амир Темур анъанаси



Тарихдан маълумки, Ўрта Осиёда давлат турган амирлар, ҳонлар боғ парваришига алоҳида эътибор беришган. Буни шунчаки шикор учун қилинган десак янглишамиз. Аслида боғлар ўша давлатнинг безаги ҳисобланган. Табият кўрки бўлган дараҳтлар, гуллар экиш анъана даражасига етган.



Биламизки, ота-боболаримиз бир туп кўчат ўтқазган кишини энг азиз инсонлар каторига қўйишган. Бир ниҳолни ерга қадашни инсонийлик нишонаси деб билишган. Чунки ўша ниҳол кун келиб улкан дараҳтга айланади. Кимдир унинг ҳосилидан totska, бошقا бирор салқинида чарчогини ёзади.

Улкан салтанат эгаси бўлган бобомиз Амир Темур ҳам мана шундай эътироғли ишга бош қўшилни одат килгандардан эди. Буюк саркардин тарихда жаҳонтир бўлганини ҳаммамиз биламиз, исмини фарҳ билан тилга ҳам оламиз.

Соҳибқирон зэтан юртларининг кулини кўкка суворишини ёки уларга зулм ўтказишни эмас, аксинча янада ободлаштириб, боғу роғлар барпо этишини мақсад килгани, бу ишларга ўзи ҳомий бўлгани тарихи салномаларида ёзим қолдирилган.

Буюк бобокалонимиз она юртни бошқа ерлардан ҳам кўркам, хуснда тенги йўқ бўлишини истаган. Шу боис боғларнинг энг катта ва гўзлаларини Моварооннаҳрда барпо қилган. Бунга мисол тариқасида давлат пойтхати Самарқандда Боги Баланд, Боги Беҳишт, Боги Давлатобод, Боги Дилкуш, Боги Жаҳоннамо, Боги Майдон, Боги Нав, Боги Чинор, Боги Шамол; Боги Боқча кабиларни айтишумумкин.

"Яхшидан боғ қолар" деганларидек, улуг саркарданинг мўъжаз боғлари ҳам яхшиликка хизмат килди. Улар асрлар давомида халқ дастурхонига турли хил меваляр етишириган бўлса, ҳориган ўйловчилар чарчогини соғси билан артиди.

Кўйидан Амир Темур бобомиз барпо этитирган боғларнинг аёримлари хакида маълумот берамиз.

"Боги Беҳишт". ёзма манбаларда "Боги Жаннат" номи билан аталади. Ўртасида атрофи ҳандак билан муҳофазаланган сунъий тепалик бўлиб, унинг усти

да "Табриз" – оқ мармардан курилган сарой бўлган. Унга бир неча кўтарма кўприклар орқали кирилган. Богининг бир тарағифи ҳайвонот олами учун жой ҳам ажратилган. Бог соҳибқироннинг суюқли хотини Туман оқога атаб курилган.

"Боги Баланд". Самарқанднинг шимолий кисмиди, Чўпонота мақбараси яқинида барпо этилган. Унда узумзор, анжирзор ва олмазорлар бўлган. Мевали дараҳтлар боқса гўзал тароват башх этган. Бу боғни яратишида Озарбайжон, Эрон каби мамлакатлардан боғдорчиллик усталари қатнашган.

"Боги Чинор". 1404 йилда яратилган бу bog Самарқанднинг шарқий тарафида жойлашган. Чинор дараҳтларининг кўплигига ишора сифатида "Боги Чинор" деб аталган. Унинг марказий қисмиди сарой жойлашган.

"Боги Шамол". Соҳибқироннинг набирасига атаб яратилган бу bog учун жой Самарқанд гарбидан танланган. Унда тўртгурчак шаклдаги сарой жойлашган бўлиб, деворларига мармар ёпиширилган. Саҳни сақора ёғоч ва фил суюкларидан ишланган. Бог жойлашган худуд ва урдаги ариқ ҳозир ҳам "Боги шамол" деб аталади.

Биз номларини кептирганлардан ташкири "Боги Бўлд", "Боги Загон", "Боги нақши Жаҳон", "Боги Амирзода", "Шоҳруҳ", "Боги Дилафрўз", "Лолазор" каби боғлар ҳам бўлганки, улар атроф-муҳит соғлигини таъминлашдан ташкири, халққа ризқ ҳам улашиб турган.

Амир Темурнинг bog яратишанъанасини темурийлардан фарзанди Шоҳруҳ ҳамда набиралари Улугбек ва Бобур ҳам давом этитирган.

Комрон САТТОРОВ,
Фарғона вилояти тарихи ва маданиятини давлат музейи директори ўрингбосари

**МАДАНИЯТ**ОБУНА ИНДЕКСИ:
285

МУАССИС:
"Dildosh media" МЧЖ,
хамкор:
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият вазирлиги

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Бош мұхаррір
Дилбахор Ҳудойбердиевна

Таҳририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами
билин давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятта келган кўлэзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.
Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри
таҳририят фикридан фарқланши мумкин.
"Маданият" материалларидан фойдаланилганда маъна кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъулъ: Ш.Исроилова
Навбатчи мұхаррір: С.Рихисея
Навбатчи: Н. Содикова
Адади - 7747 Буюртма - Г - 417
Сотувда келишилгандан нархда
Қозғос бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоб

Газета "Шарқ" нашриёт-
матбаа акциядорлик комп-
анияси босмахонасида
чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмахона топшириш
вакти - 00.30
Топширилди - 23.30
1 2 3 4 5 6